



Ислом Нури

«Албатта бу шаҳарни Аллоҳ ҳаром (ҳурматли) қилди, унинг тикани ҳам юлинмайди, ундаги ов ҳайвони ҳуркитилмайди (яъни, унга тегилмайди), топилдиғини – уни танитиш учун олган кишидан бошқа биров – олмайди» (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ қилинган кун айтдилар: «Албатта бу шаҳарни Аллоҳ ҳаром (ҳурматли) қилди, унинг тикани ҳам юлинмайди, ундаги ов ҳайвони ҳуркитилмайди (яъни, унга тегилмайди), топилдиғини – уни танитиш учун олган кишидан бошқа биров – олмайди» (Имом Бухорий ривояти).

Эҳромдаги киши ўлдириши мумкин бўлган нарсалар:

«Беш нарсани эҳромдан ташқарида ҳам, эҳромда ҳам ўлдирилаверади: илон, ола қарға, сичқон, қутурган ит ва калхат» (Имом Муслим ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Беш нарсани эҳромдан ташқарида ҳам, эҳромда ҳам ўлдирилаверади: илон, ола қарға, сичқон, қутурган ит ва калхат» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Макка – Аллоҳ азза ва жалла ҳаром-ҳурматли қилган шаҳар, унинг набототи юлинмайди, ов қилинадиган ҳайвонларига тегилмайди, унинг еридан топилган, эгаси маълум бўлмаган нарсани олинмайди,



фақат эгасини топиб, унга бериш мақсадида одамларга ўша нарсани танитиб юраман деган одам олса мумкин. Лекин, шу билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада ҳам айрим зарарли жонзотларни ўлдиришга рухсат берганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Макканинг ҳурмати улуғ;
2. Ўт-ўланлари юлинмайди, қуруқликдаги ов ҳайвони овланмайди;
3. Топилдиғини танитиш мақсадида олган кишидан бошқа биров олмайди;
4. Ундаги айрим зарарли ҳайвонларни ўлдириш мумкин.